

Касаба уюшмаларида

РАЁСАТ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон республикаси автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг навбатдаги раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Марказий кўмита раиси М.М. Мирқосимов олиб борди.

Раёсат йиғилишида Навой вилояти автомобиль транспорти корхоналари йўл ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда касаба уюшма кўмиталари меҳнаткашларини самарали ишлашлари учун меҳнат шариотини қандай яратаятганликлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишида «Касаба уюшма бошланғич ташкилотларининг фаолиятларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаятган ишлар», «Навоийтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси автокорхоналарида 1998 йил

нинг тўрт ойида иш ҳақини ошириш, кўшимча тўловларни тўлаш ҳамда бу масалада тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг ролини ошириш, «Навоийтранс» ва «Навоийавтоўл» ҳиссадорлик бирлашмаларида «Оила йили» муносабати билан қабул қилинган чора-тадбирлар дастури қандай бажарилаятганлиги, «1997 йилги болалар соғломлаштириш мавсумининг якуни ҳамда 1998 йилги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик натижалари» ҳақидаги ва бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат мажлисида тармоқ касаба уюшмалари фаолиятининг бошқа муҳим масалаларини ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ.

Ибротли тадбирлар

Яқинда Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида ўтказилган семинар-кенгаш «Ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш» мавзусига бағишланди. Унда маданият ходимлари тармоқ касаба уюшмаси кўмиталарининг раислари иштирок этдилар.

Семинар-кенгаши Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси М.Тўлаганова кириш сўзи билан очиб тармоқ касаба уюшмасининг фаолиятидаги ютуқлар ва муаммолар, бозор иқтисодиёти жараёнида маънавий-маданий соҳаларга эътибор қаратиш, бу бордаги чора-тадбирлар хусусида гапирди.

Вилоят киновидео акциядорлик бирлашмасининг раиси М.Зокоров, шаҳар кино дирекциясининг директори С.Мармаззоқов, босмахона директори, шаҳар кенгашининг депутаты Ю.А.Югай, шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бў

лимнинг мудири О.Эшончаевлар сўзга чиқиб маърифий-маданий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш борасида амалга оширилаятган тадбирлар тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар кенгаш қатнашчилари шаҳар кинотеатри ўлкашунослик музейи, Ойбек номидаги марказий кутубхона, шаҳар босмахонаси ҳамда «Янгиобод» саёҳатчилар масканида бўлиб, шу кунларда амалга оширилаятган ишлар билан яқиндан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинар-кенгаш ишида «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси, халқ депутати Г.Седяков, маданият ходимлари тармоқ касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг раиси Н.Акбарова иштирок этдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Абдулла АЙИЗОВ.

ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Тўртқўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Лочин» болалар оромгоҳи ёшларнинг сеvimли масканига айланган. «Оила» йилида оромгоҳда 600 нафар ўқувчи ёшларнинг кўнгилдагидек дам олиши режалаштирилган.

Оромгоҳда барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Чўмилиш хавзаси, ёзги кинотеатр, компьютер хонаси, кутубхона, спорт майдони, турли тўгараклар хоналари дам олувчилар ихтиёрида. Телевизор, шахмат, шашка ва бошқа спорт анжомлари етарли. Оила йилида тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 80 нафар ўқувчи таълим ходимлари касаба уюшмаси туман кўмитаси ҳисобидан бепул соқломлаштирилади.

Барқамол, соғлом авлод камоли йў

лида кўплаб ташкилотлар ҳомийлик қилмоқдалар. Айниқса, «Баракат-Тўртқўл» ҳиссадорлик жамияти, «Оқ олтин» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, туман газлаштириш тармоғи корхоналарининг хизматлари бениҳоядир. «Шураҳон» ёпик турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ноиб Азимбой Абдукаримов ҳар йили дам олувчиларни полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан бепул таъминламоқда.

1 июнь - халқоролар болаларни ҳимоя қилиш кунинда оромгоҳ ёшларни чорлайди.

Оромгоҳнинг ўз вақтида ишга туширилиши учун туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими раҳбарияти яқиндан ёрдам бермоқда.

Б.УМАРОВ.

* * *

Мақтабларда ўқишлар тугаб, ўқувчиларнинг ёзги таътиллари бошланишига оз вақт қолди. Бу йилги дам олиш мавсумига республикамизнинг турли ташкилотларида бўлгани каби транспорт корхоналарида қарашли болалар оромгоҳларида ҳам пухта тайёргарликлар кўриб қўйилди.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташит транспорт корхоналари давлат уюшмаси ҳам бу бордада қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Транспортчилар фарзандларининг ёзги таътиллари ҳар томонлама мазмунли бўлишини таъминлаш йўлида корхоналар касаба уюшма ташкилотлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бизда транспорт ходимлари ва уларнинг ўғил-қизларини ижтимоий ҳимоялаш йўлида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда, - дейди уюшма бошқаруви ижтимоий масалаларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Отаулла

Мўйинов. - Ҳозир уюшмамиз ихтиёрида профилактикорий ва дам олиш ҳудуди бор.

Бир йўла иккита болалар соғломлаштириш оромгоҳига ҳам эгамиз. «Автомобилчи» ва «Травматик» деб номланган бу оромгоҳлар сулим бог-роғлар бағрида жойлашган. Уларда янги дам олиш мавсумига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Масалан, «Автомобилчи» оромгоҳида шу мавсумда 1100 нафар ўғил-қиз ёз гаштини суради. «Травматик» оромгоҳи эса 1200 нафар болани ўз бағрига олади.

Улар уч навбатда ишлайди. Яқин орада 750 нафар ёш дам олувчи бу оромгоҳларга йўл олади.

Уюшмага қарашли 8 ва 12-автосаройлар, автокомбинат, 4-таксаворти каби корхоналар болалар оромгоҳларини янги мавсумга ҳозирлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатдилар.

Албар АЛИЕВ.

КўРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кўмитаси ташаббуси билан «Оила-98» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда миллий чолгу асбоблардан С. Наимовнинг ўзи мактаб устахонасида ясаган қақшар рубобида моҳир уста - педагогининг кўёви - Абдулла Сайфуллаев чалган куй кўрик-танлов ҳақамалар ҳайъатига манзур бўлди. Наимовлар оиласи аъзоларидан Лула, Нодира кичкинтой Лобар, Шунингдек Олим, Лайло, Комиллар томонидан ижро этилган кўшиқ, куй ва ўйинлар кўпчилигига манзур бўлди.

Когон шаҳридан кўрик-танловга ташриф буорган Сатторовлар оиласи чиқши ҳам санъат муҳлисларида катта завқ-шавқ уйғотди. Тасвирий санъатга меҳр қўйган ўсмир ёшлар - Қаҳрамон ва Маҳмуд Сатторовлар кўрик-танлов ташкилотчилари ва томошабинлар ҳукмига ўзлари чизган расмлардан намуналарни ҳавола этишди. Бир пасда ёрқин бўёқларда Бухоронинг бир қатор тарихий ёдгорликлари намоён бўлди.

Вилоят кўрик-танлови қатнашчилари шунингдек, ўзлари яратган зардушлик намуналарини, патдушлик, каштачилик,

хунармандчилик, амалий санъат кирраларини намоён этидилар. Бадий ўқишда ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. Бухоро туманидан Исо Шаропов оиласи, Когон туманидан кўрик-танловга келган 10-сон ўқитувчилар жамоаси, ромитанлик моҳир ўқитувчи, Меҳнат Шухрати ордени соҳибаси Мастура Хўжаванин оила аъзолари-невараси, келин ва қизлари ижросидаги лапар, кўшиқ ва шеърлар ҳам кўпчилигига манзур бўлди.

Кўрик-танловда Олот туманида истиколат қилаётган Абдунаби Ҳамроевлар оиласи биринчи, Пешку туманидан Салим Наимов ҳамда шофирконлик Эргашевлар оилалари 2-ўринга лойиқ деб топилдилар.

Учинчи ўринни вобкентлик Соатовлар оиласи ҳамда Бухоро шаҳрининг Ф. Хўжаев туманидан Сафар Мавлоновлар оиласи олишди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси ва болалар жамғармасининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган «Оила-98» кўрик-танлови ғолиблари ва қатнашчиларига фахрий ёрлиқлар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

А. ИСТАМОВ, «Ишонч» мухбири.

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Термиз шаҳридаги автобус таксомотор корхонаси ҳиссадорлик жамиятининг ишлари бозор шариотида тексари қараб юриб кетди. Авваллари, собиқ Иттифоқ даврида, ҳатто Республикадаги таширғи буорган автомобиль хизматининг раҳбарлари турғи шу корхонага келишарди. Корхонанинг турли ютуқлари ҳақида марказий нашрларда кенг саҳифалар ажратиларди. Уша кезларда корхонада 800 нафарга яқин ишчи-хизматчилар ишлаган.

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида корхонанинг ишлари кун сайин орқалаб кетди. Режа курсаткичлари бажариламай қолди. Бунинг натижасида кулгина ҳайдовчилар, ишчилар ойлик маошларини ўз вақтида ололмади ишни ташлаб кета бошладилар. Бу ҳол дақиқа сайин авж олаверган, вилоят «Автотрест» раҳбарияти, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда корхонанинг раҳбарларини тез-тез алмаштирадиган бўлди. Бу усул ҳам назарда тутилган мақсадни амалга оширмади. Корхонанинг дебитор ва кредитор қарзлари бир неча ўн миллиондан ошиб кетди. Бунинг натижасида пеня соат сайин кўпайиб борарди. Ниҳоят, бу ҳолда корхона эрта е индин инкирозга юз тутиши мўқаррар деган қарорга келган раҳбарлар, «Чикмаган жондан умид» дея «кулоганга қарага ботган» Термиз автобус таксомотор корхонаси ҳиссадорлик жамиятига Кулматов Эркин Сафаровини 1997 йилнинг август ойида раҳбар этиб тайинлади.

Янги раҳбар ишни аввало ишчи ва хизматчиларга шариот яратишдан бошла-

ТИКЛАНИШ ОДИМЛАРИ

Жамиятнинг 546 нафар аъзосининг ишда ва оилада ҳаловати бўлмас экан, корхонанинг ишлари ривожланмайти деган фикрини, касаба уюшмаси раиси Шюоусф Аҳмедов айтиди. Шундан сўнг, касаба уюшмаси раиси сифатида амалга оширилаятган ишлари ва қабул қилинган жамоа шартномалари бажарилишини сураганда, аввалига Шюоусф Аҳмедов шочиб қолди. Чунки, раҳбарлар тез-тез алмашаверган, туррироғи ишлар суюлиб бораётган корхонада Э.Кулматов талаб қилаётган нарсалар номингагина тузилган қолаверса унинг ижроси билан ҳеч ним қилмаган, натижада раҳбарларда ҳам, ишчиларда ҳам ҳафсаласизлик кайфияти пайдо бўлган эди.

Ҳиссадорлик жамиятининг маъмурияти билан касаба уюшмаси ўртасида 1997 йил 20 январиди тузилган жамоа шартномаси бажарилиши ҳақида ҳеч бир ҳужжат йўқ эди.

Э.Кулматов бу ҳолни корхонанинг тобора илдиш отиб бораётган фожасининг бош сабаби деб билди. Ҳатто, касаба уюшмаси раиси Ш.Аҳмедовга бу хатоси учун каттик танбех ҳам берди. Шартнома шартларида кўрсатилган 5 иш кунинда ҳам баъзан умуман иш бўлмади. Иш ҳақлари олиш ёд-

ри учун 50 минг сўмдан 100 минг сўм ажратилди дейилган эди. Шундай оғир шариотда бу каби хайрли ва саробли ишлар ҳам бажарилибди. Бундан ташқари маданий оқартув ҳамда спорт ишларида 100 минг сўм, иш вақтида зарарланганлиги учун 120 минг сўм ажратилиши назар-

да тутилган эди. Бу соҳада ҳам бундан ишлар амалга оширилди. «Чикмаган жамияти» 1997 «-инсон манфаатлари» илти суғинда жамиятнинг касаба уюшмаси тасис қилиниши билан жамиятнинг икки миллион 500 миң сўм ва ҳайдовчи Турди Ҳазратқуловларнинг никоҳ туғилури корхонанинг фойдаси ҳисобидан ўтказиб берилди.

Бу йилги жамоа шартномалари ҳаж бирокорхонада бинийдек бажарилмоқда. Бундан ташқари «Оила йили» муносабати билан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан факат қувонасан киши.

Биз мактаб таърифиға ета олмаётган тадбиркор, ишбилармон раҳбар Э.Кулматов бу йилги шартноманинг илгариларидан фарқларини сураганимизда бирма-бир айтиб берди.

Бизда хизмат қилаётган 37 нафар хотин-қизларга иш соатларини қамайтириб, меҳ-

нат таътиллариға 5 иш кунини қўшиб бераётганини, ҳомиладорлиғи ё бола тарбияси билан шуғулланаятган аёлларга моддий қўриқ бераётганимиз. Бундан ташқари корхонамизда тула қувват билан ишлаётган 125 та автобус ҳамда 32 та такси ҳайдовчилари учун меҳдунқ, саналарини ташкил этганимиз. Ишларимиз яқин, йўлга тузиш бормоқда. Жамиятнинг касаба кўмитаси ердимида 8 нафар ишчи-хизматчиларнинг турли олидирлиғиға эришдик. Ҳатто, соғломлаштириш ишларини яқин вақтида кўриш учун корхонанинг спорт кўмплексини тулдқ таъмирдан чиқарганимиз. Бу йилги ўқув йили туғилиш билан «Чикмаган жамияти» лагерида 60 нафар болаларимизни дам олдирдимиз. Бизнинг имкониятларимиз қанчалик кенгайиб кетди қўриқ десам, асло болага бўлмайтир. Чунки, жамиятимиздан Музаффоуд тулдқ 3 миллион 500 миң сўм, Бандихон тумани 1.5 миллион сўм, Қўзирик тумани 250 миң сўм, Термиз шаҳар халқ таълими бўлими 1 миллион сўмдан ортиқ қарз. Бу пуллар ҳисобимизга тушган, ишларимиз яқинда авж олиб кетаверарди.

Алоҳида, биринчи галдаги вазифа корхонада янги иш уринларини қўпайтириш, ишчиларнинг ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиғи каби долзарб масалаларга ағзаларини бажариш ва хизматчиларнинг раҳматини олиштириб, дейди жамият касаба кўмитаси раиси Шюоусф Аҳмедов.

Рустан ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ҚОЛОҚЛИҚДАН ИЛҒОРИККА

Қодиржон Шариповнинг Чодак маъдан кони корхонасига директор бўлиб тайинланганига ҳам қарийб бир йил бўлаяпти. Утириб қолган корхонада дастлабки кунларда ишни юргизиш осон бўлмади, албатта. Ташкилий ишларга эътибор қаратилиб, айрим мутахассис кадрларни жой-жойига қўйишга турғи келди. Уштакта ва цех бошлиқларига мустақил иш қилтириш имкони берилди. Қарзларни тўлаш, Бизга, Э.Кулматовнинг юзасидан уларга нисбатан талабчанлик оширилди. Меҳнат интизомни йўлга қўйилиб, ишлаб чиқаришда таъминот масалаларини яқинлаш, тежамли иш юргизиш тадбирлари қўрилди.

Киска қур-нада ижтимоий сезила бош-Корхонани-гани молиявий-лаш учун ма-ларни тўла-меҳнат қилишга ундади. Шу мақсадда Тошкент иш йўлининг қурилишига ҳам ишчи кучи ва техника билан ёрдам кўрсатишга киришилди. Утган йилнинг ўзида бу зарбдор қурилишда 12,5 миллион сўмлик иш бажарилиди. Натижада бошқа ташкилотлардан дебиторлик қарзларни тўлаиб тугатилди. Корхона жамоаси шу йилнинг февраль ойида 1,3 миллион сўм фойда билан чиқди.

Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Айни пайтда корхонада 3 вақфий ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Илгор ишчи-хизматчилар ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти.

Оила йилида меҳнат унумдорлиғи янада оширилаяпти, дейди К. Шарипов, - ишчи-хизматчилар меҳнати ардоқланаётганлиғи ижобий натижалар бераяпти.

Шухрат ИНОМОВ.



Мамлакатимизда Қувасой чининиси кирмаган бироррта ҳам хонадон бўлмаса керак. Бу ерда тайёрланаётган буюмлар ўзининг сифати, ранго-ранглиғи билан ажралай туриши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Чинини буюмлар ишлаб чиқарувчи «Исфайран» ҳиссадорлик жамияти айни кунларда ишчи-хизматчиларнинг 1200 йиллиғига бағишлаб совгабоп буюмлар ишлаб чиқармоқда. Янги маҳсулотларга маҳкул бўлаяпти. Суратда: ишчи Саодатхон ШОДМОНОВА.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БОҒЧАТА ТЕСТ ОРҚАЛИ



Гулистондаги «Қувонч» болалар богчаси эл тилига тушган. Бу ерда болалар мусика, математика, расм каби дарсад қатнашадилар, ўзбек, инглиз ва рус тилларини чуқур ўрганадилар.

Булар на болаларни, на ота-оналарни чўчилади. Боғчада малакали ўқитувчилар ишлашади. Улар ҳар бир бола ёши ва қизиқлиғига қараб машғулотларини олиб бораётдилар. Иктидорли болаларга мўлжалланган боғчаллиқ бундан тўрт йил аввал Сирдарё вилояти халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган.

Шуниси қизиқки «Қувонч»га кириш осон эмас. Махсус комиссия тестидан ўтган иктидорли болаларнига богчага қабул қилина-

ди. Натижалар чакки эмас. Богчада тарбияланган болалар бемаълум инглизча гаплашадилар, компьютерни ишлаш биладилар.

Боғча тарбиячилари ва ўқитувчилари болаларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларнинг соғлом ўсишларини ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Қизиқарли ўйин-мусобақалар ташкил этилмоқда. Кўпгина тарбияланувчилар богчани битиргач Гулистондаги иктидорли болалар гимназиясига ўқишга кирмоқдалар.

Суратларда: Умида Ҳасанова энг яхши кўрган дарс - инглиз тили: Физioterapeвт хонаси. Бу ерда ҳамшира Рамина Чунько даволаш ишларини олиб боради.

Баҳром ТҲРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Уюшма дехон ва фермер хўжалиқларига қандай моддий ёрдам кўрсатиши, янги имкониятлар яратиб бериши мумкин?

Бугунги кунда ҳақ хўжалиқда дехон ва фермерларимиз етиштирилган маҳсулотлар анчангина кўп қилмоқдори. Бу эса олол бориаятган ислохотларимиз самарасидан далолат. Қолаверса, хўжалиқ юртишининг бундай қулай қўрилиши тобора одимлар оинга сингиб, уларда қизиқчи уйғотмоқда. Чунки, қишлоқда самарали фойдали қоритаятган ишбилармон нафарат ўзига, балки, ортиқча иш қўйларини ташкил этиш, саноятнинг кириб келишига ва

Қарор масъулияти — фермерга янги имконият

ЗАМИН

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган қарорига биноан Шахсий ёрдамчи ва дехон хўжалиқлари уюшмаси негизида, Дехон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси ташкил этилиб, унинг вазифалари белгилаб берилди. Бу хусусда уюшма раиси Абдурашид Бобомирзаева бир неча савол билан мурожаат қилди.

Абдурашид ака, Уюшманинг ташкил этилиши дехон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришда қандай аҳимиятга эга ва унинг вазифалари нималардан иборат?

Авваламбор айтиш керакки, заминлиқ саховати ҳеч қачонга, Бунингдан унумли фойдаланиш, ушн асраб-авайлаш турмушининг фаровон ҳаёт, мўл-қўнчилик бахш этади.

Шу босида ҳўкуматимиз бобо дехон захматини қадрлашга алоҳида аҳамият қаратапти. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис IX сессиясида соҳага тегишли бир қатор «Ер кодекси», «Дехон хўжалиғи тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиғи тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиғи фикримизнинг далилидир. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Дехон ва Фермер хўжалиқларининг таъсис сўзасида ҳам асосан шу масалалар юзасида атрофлича фикр юритилди. Унда Уюшманин ушбу қонунлардан келиб чиққан ҳолда дехон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини мустақамлаш, уларни ҳар томонлама қўлаб-қўватлаш, қонғайтириш, бу хўжалиқларнинг мамлакат қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириши қўпайтиришдаги ролини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Уюшма ва унинг вилоятлар, туманлардаги вакилларини вазифалари белгилаб берилди. Улар дехон ва фермер хўжалиқларини бирлаштириб, давлат ташкилотларида бу хўжалиқларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари. Уз фаолиятлари ишлари устаслар мувофиқ, тўлиқ хўжалиқ қисб-қитғоли асосида амалга ошириладилар.

Уюшма дехон ва фермер хўжалиқларига қандай моддий ёрдам кўрсатиши, янги имкониятлар яратиб бериши мумкин?

Бугунги кунда ҳақ хўжалиқда дехон ва фермерларимиз етиштирилган маҳсулотлар анчангина кўп қилмоқдори. Бу эса олол бориаятган ислохотларимиз самарасидан далолат. Қолаверса, хўжалиқ юртишининг бундай қулай қўрилиши тобора одимлар оинга сингиб, уларда қизиқчи уйғотмоқда. Чунки, қишлоқда самарали фойдали қоритаятган ишбилармон нафарат ўзига, балки, ортиқча иш қўйларини ташкил этиш, саноятнинг кириб келишига ва

ривожланишига хизмат қилаётгани билан қўнчиликка наф келтиряётгани ойдинлашмоқда.

Уюшмамиз бундай тадбиркор, ишнинг кўзини билган фермер ва дехонларимиз фаолиятини қўлаб-қувватлашга доим тайёр. Шу мақсадда уларга қўшимча ерлар ажратилаяпти. Айни пайтда Республикада 23 миң фермер хўжалиғи бўлиб, уларга қарашли ер майдони 480 миң гектари ташкил этади.

Бундан ташқари 3 миллиондан ошмиқ урта ва майда қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштирувчи дехонларимиз бор. Бундай хўжалиқларга қарашли ерлар 90-инилар бошида 300миң гектар

кони ва фермерлар учун нихотда арзонга тушиши билан аҳимиятли.

Шу босида ҳам уюшмамиз бундай саройларни ташкил қилиш ва уларга замонавий техника воситаларини сотиб олишга, ёқилиш-молаш материалларини шартнома асосида имтиёзли нархларда етказиб беришга яқиндан ёрдам бермоқда.

Уюшма хоржий сармояларнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида иштирокини кенгайтириш учун қандай ишларни амалга оширилаяпти?

Хоржий сармояларнинг мамлакатда ағдар ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда саноятни юксалтиришдаги ҳиссасини қўпайтириш муҳим аҳимиятга эга. Бу бордада юртимизнинг Ислам Қаримов таъкидлаб ўтганлариди сингари, дунёда бирор бир ривожланган мамлакат

йўқки, ўз турмушини инсоният цивилизацияси имкониятларидан ажралган ҳолда қўрган, иқтисодий барқорорлигини вақолати бўлмади. Лекин, шунини унутмаслик керакки, хоржий сармоялар ўз-ўзини олол қилаверадиган уммон эмас. Бунинг учун мамлакат иқтисодиёти, унинг ҳалажачи белгилорини аниқ режалар ишлаб чиқилиши керак.

Мана шундай пухта қафалларга эга хўжалиқларига хоржий сармояларга ўз урнида ишлатиладилар

ДОНИШЛИК

Ривоят қилинишича, Одам Ато Момо Хавага мухаббат изор этганида Момо Хаванинг қалон севинчидан хаққириб, чехрасида табассум барқ урган экан. Бу инсониятнинг илк кунлигини эди.

Халқимиз кулгига, ҳазил-мутойбага азалдан ўч дустар суҳбати, гурунги, гап-гап-гап, туй-хашамлар, сайиллар, тантаналар кулгисиз ўтмайди. Тантана ва маросимларда кулгу даргалари, масхарабозлик, аскиячилар, қизқичқилар, артистлар давранинг турлида ўтириши шундан бўлса керак. Бирок кулги осон, қулдириш қийин.

Пари родини ижро этаётган Турсуной Жаффарова олманчи олиш ҳаракатида турди. Сойиб Хужаев эса чаконлик билан ўқдан бер экка қоча бошлади. Хали Тошболта ошиқ спектали тейёрлангандак автор ҳам режиссер ҳам ҳақ-хақари уриб қилишди. Ниҳоят Пари Тошболта ошиқ бошидаги олманчи кулги олади. Шунда Сойиб Хужаев «Мана сиз олманчи олдингиз, мен энда сизни олман» деб уни бағрига босди. Ана шу тарик мазкур сахнага ҳам ҳазил, кулгу кирди...

Сойиб Хужаев ўз ишига ижобий ёндашар эди. У чаконлик артист эди. Бундан умири давомида қандайдир родини ижро этмасин, қачон сахнага чиқмасин, томошабинларни ўзининг сузлари, қилиқлари билан қулдира олган эди. Қулдиришда ҳам ичкарига уздириб қулдириш эди. Машҳур драматург Комил Яшин бу актрисани шундай эслайди:

«Равшан ва Зулхумор» спектакли тейёрланганда ушундан қул сузлари қулдиргандан мамнун бўлар эдим. Бир кун ноизок меҳмонларни томошага олиб тушдим. Сойиб Хужаевдан бу гапни спектаклда ортиқча гап қўшмаслигини илтимос қилдим. Бу пьесада Эрсак родини Хамаза Умаров Эрсак родини эса Сойиб Хужаев ижро этади. Икки артист сахнага чиқишди. Хали воқеа бошландансўрақ Хамаза Умаров «Жуда қоронғу» деса, Сойиб Хужаев «Энангги пилик чирогини қўтариб келмабсан-да» деса бўладими. Шунда томошабинларгина эмас, халғи мен олиб келган нозик меҳмонлар ҳам ҳақ-хақари уриб қилиб юборишди. Бу икки актр томоша охиригача ўзларининг ақоиб сузлари, қилиқлари билан ҳаммининг завқини келтирган эди.

Қуллардан бир кун мен ҳам Лутфиҳоним Саримсоқова ва Сойиб Хужаевлар билан бирга Наманганнинг Чуст тумани учрашувига борган эдик. Бу икки машҳур артистнинг томошабинлар чор-атрофидан бўлиб қўлағи келаверишди. Одамлар тейёрланган залга синамдан катта майдонга бир юк машинасини келтиришди-да кузовини тушириб

Машҳур санъаткор Сойиб Хужаевни хотирлаб


ликларини баралла айтиши қиларгадир ёқмаслиги турган гап эди. Яқшим уша даврада давлат раҳбари Усмон Юсулов актриса қамқода эканини билиб қилиб, унинг тезда озодликка чиқишига ёрдам беради. Дарҳақиқат, актриса Сойиб Хужаев ушунга эришди, куп бола-чақалари, ота-хон актриса эди десак бўлади. У фақат сахнадагина эмас, оиласида ҳам бола-чақаларига ниҳоятда меҳрибон эди. Қамқондан руҳан қаттиқ азоб чекиб чиққанига қарамастан ўз бола-чақаларини уйли-жоили қилиш учун ўчатишга солишга қаришди. Мен Сойиб Хужаевга ҳаммаси, қўшини бўлганман. У кишининг ўшундай қиларига яратилган «Ватанга сова» фильмида кўрганман. Бу фильмнинг режиссери Комил Ерматов Сойиб Хужаев ва Наби Раҳимов ижросидаги роллари билан Ватан ҳимоясидаги жангчилар образини Ватанга мухаббат, элини севган халқнинг юмрога бўлиб қулган кишиларини очига ҳаракат этган. Бу фильм ўзбек дивизиюсида ҳам намоиш этилган эди. Уруш қат-

АКС ЭТГАН

курши ҳам қизик бўлган. Мен хали юқорида айтганимдек, шу ўчатиш қилишда бола-чақаларига бош бўлиб, ўзлари ишлар эди. Саратоннинг иссиқ қулларига бошланди, актриса сомон шяпани киийиб олиб «Тоҳир Зухра» спектаклидан «Мана энди олдим халқ тешасини қўлимга» деган ашуласини айтиб, ҳамма-ни ишга жалб этар эди. Сойиб Хужаевнинг турши-турмуши, хатти-харакатлари, топиб айтган сузлари одамларга завқ-шавқ келтирар эди. Мен биринчи бор у кишини Мухаммаднинг театрида қўйилган «Мана энди олдим халқ тешасини қўлимга» спектаклидаги Мулла Дўст образида кўрганман. Бу асар жуда куп сахналарда қўйилган ва киноэкранларда ҳам намоиш этилган. Аммо Сойиб Хужаев ижро этган ушбу рол ўзининг алоҳидалиги билан ажралиб турганини биламиз. Уша Мухаммад театрида қўйилган спектаклларда ижро этган роллари халқ оғзига тушиб кетиши ҳам шундан бўлса керак. «Майсаранинг иши» спектакли машҳур бўлган чоғларда деярли томошабинлар Сойиб Хужаевни Мулла Дўст деб атаган бўлса, сахнада Тошболта ошиқ юзига қилиш билан актрисани ҳамма Тошболта ошиқ деб атайдиган бўлиши. Сойиб аканинг шу ролга айлиб кетганлигидан, унинг руҳига сингиб кетгани-

дея доллаб қолди. Режиссер ҳам, оператор ҳам жонли чикаяпти деб суратга олишни давом эттирар эди. Сойиб Хужаев эса чиндан ҳам оқиб кетишига оғина қолган эди.

Ана шундай халқ севган актриса ўзоқ умр кўрмади. Айниқса унинг қамалиб чиққанидан кейинги руҳияти саломатлигига қаттиқ шикаст берган эди. Унинг шина-вандалари, ҳамкасблари қабристонга ахтиром билан қўзатди. Қабр тепасида урнатилган хотира тошида ҳам унинг сиймоси акс эттирилар экан, расмон унинг одиллигига ниҳоятда эътибор берган. Шу жойга келганда бир нарса эсимга тушади. У киши ниҳоятда оддий киши-на, хатто галстук тақийиб ўзига ак кўрмас эди. Эсимда, бир учрашувда қўрада-қўймай бўйига галстук тақийиб сахнага қилиш билан «Мана энди олдим халқ тешасини қўлимга» деб одамларни роса қулдирган эди. Шу актрисани қабри тепасидаги чехрасига боқиб туриб, Бухоро шаҳридаги Лаби Ховуз олдида ўрнатилган насриддин Афанди чех-



Директор бизнинг одатимизни қувватлаб, дарҳол ҳар биримизга яна биттадан лаган тутқазган эди. Сурхондарёнинг Денов шаҳрида Дендор Парк деб аталмиш дунёнинг турли дарахлари устирилган боғда бўлганимизда, оғзи очиб бодомлар «мени теринг» деб турарди. Ҳаммаимиз ундан тира бошладик. Шунда Дендорнинг иши спектаклидаги Мулла Дўст образида кўрганман. Бу асар жуда куп сахналарда қўйилган ва киноэкранларда ҳам намоиш этилган. Аммо Сойиб Хужаев ижро этган ушбу рол ўзининг алоҳидалиги билан ажралиб турганини биламиз. Уша Мухаммад театрида қўйилган спектаклларда ижро этган роллари халқ оғзига тушиб кетиши ҳам шундан бўлса керак. «Майсаранинг иши» спектакли машҳур бўлган чоғларда деярли томошабинлар Сойиб Хужаевни Мулла Дўст деб атаган бўлса, сахнада Тошболта ошиқ юзига қилиш билан актрисани ҳамма Тошболта ошиқ деб атайдиган бўлиши. Сойиб аканинг шу ролга айлиб кетганлигидан, унинг руҳига сингиб кетгани-

ҚИЁФА

кинофильмларда ва спектаклларда турли образларни яратган. Бундай эса қоларди роллардан яна бири «Ер-ер» кинофильмидаги Ота ролди. Чунки насриддин Афанди ролига Бахтиёр Ихтиёрнинг танлангани бу икки халқ актрисани ижроси халқ ичиде давруқ қозонишга олиб келган эди. Шу фильмнинг олинчида, қизик-қизик воқеалар бўлганини шогирди Бахтиёр Ихтиёрнинг шундай эслайди:

Бу фильмни суратга олган Али Хамроев иш жараҳида Сойиб Хужаевдан жуда куп фойдаланган десак бўлади. Бир қичик лаҳзани эслайдиган бўлсам, биз ота-бола сойда чумилишимиз керак эди. Бу тезоқар сувада Сойиб Хужаев оқиб кета бўлиши ва охири «мени қутқаринлар»

Зикр
МУҲАММАДЖОНОВ,
Халқ артисти.

«Фил суриб, от ўйнатиб» ШАХМАТ ВА МУСИҚА

Эргаш ака Хамзанинг анчагина ўткир шахматчи эканлигини қўрсатувчи далиллардан ҳам келтириб, гап орасида мана шу воқеани ҳам эслагани:


— Лутфиҳон ая Саримсоқованинг катта санъат даргоҳига тортилиши ҳам Хамзанингнинг шу ҳовлида эшган даври билан боғлиқ. Уша вақтда Лутфиҳоним Маҳмуджон Мирборатовнинг ҳовлисида турарди. Баъзан боғда дугоналари билан дўппи тикиб ўтирган аянинг қўнғирқодек овозини эшитиб қолардик. Бундан воқиф бўлган Хамза ака бир кун, «Шу аёлни театрга тортиб эбур артист қилмасан, отимни бошқа қўяман»-деб юборди. Санъаткорлар хомийиси Хамзанига сузининг устидан чиққанини ҳаммага аён.

Республика миқёсидаги пенсионер асли қўқонлик шахмат мухлиси Маҳмуджон ака Яқобов Хамза Хамзанига ишлаган пайтларида ҳам шахматчилик даврасида куп бўлганини айтиб берган эди. Эргаш Солиҳовнинг қадрдон жураларидан бири куп йиллар Тошкент халқ хўжалик институти ректори бўлиб ишлаган профессор Мухаммадхон Қориевнинг хотирлашича: «... У ҳар бир қизига муносиб

муомалали бўлар эди, лутф ва марҳамат қилар эди; Аҳён аҳёнда у билан шахмат ўйнар эдик. Мен қўлчан ютқазар эдим. У менга насиҳат қилиб: «Авалл истеҳкомни мустақамла, ундан кейин ҳужум қил, бўлмаса ҳеч қачон рақиб устидан галаба қозоналмайсан», дер эди. Кейин ўйлаб қарасам, унинг бу маслаҳати фақат шахмат ўйини устидангина бўлмас, мен ундан жуда чуқур, гоят кенг маънодаги маслаҳат ва насиҳат экан».

Инсон тарбияси учун қайғуриш, бу борада маълум мерос барпо этиб қолдириш фазилатлари билан ҳам ўчмас ном қилдирган Хамза Хамзанига Ниёзий тарбиявий воситалар орасида шахматнинг ҳам ўз ўрни борлигини таъкидлаб ўтганлиги диққатга сазовордир.

Маълумки, 1926-1927 йилларда Қўқон республика шахмат мухлиси Маҳмуджон ака Яқобов Хамза Хамзанига ишлаган пайтларида ҳам шахматчилик даврасида куп бўлганини айтиб берган эди. Эргаш Солиҳовнинг қадрдон жураларидан бири куп йиллар Тошкент халқ хўжалик институти ректори бўлиб ишлаган профессор Мухаммадхон Қориевнинг хотирлашича: «... У ҳар бир қизига муносиб



ФУТБОЛ

Ўзбекистон кубоги иккинчи босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Энг йирик ҳисоб «Трактор» ва «Нефчи» лотининг «Лочин» жамоалари учрашувиде қайд этилди. Учрашув «Трактор»нинг 9:1 ҳисобида қўқонлик «Лочин» жамоасини мағлуб этган бухоролик футболчилар Фарғонанинг «Уқимас» жамоасини қабул қилдилар. Бу ўйин ҳам таърибли майдон эгаларининг устунлигида ўтиб, 6:0 ҳисобида якунланди.

Биринчи лига пешқадами «Янгйер» жамоаси кубок учрашувларининг биринчи босқичидеқ билан бўлган, иккинчи лигада бўлган «Самарқанд клуби футболчилари иккинчи босқичда «Трактор» жамоаси билан куч синашдилар. Деярли тенг кўраш остида ўтган мусобақадә тракторчилар 2:1 ҳисобида голиб чиқдилар. Биринчи лиганинг қучли бешлигида «Урин ағалар» қўқонлик «Шўрчи» клуби футболчилари ҳам рақиблари «Насф» жамоасига муносиб қаршилиқ қўрсата олдлар. Бирок, маҳорат устун келди. Қўқон шаҳри футболчилари 3:0 ҳисобида голиб чиқдилар.

Қўқоннинг «Темирўлчи» ва Жиззахнинг «Судияна» жамоалари учрашув ҳам кескин қўрашлар остида ўтди. Ёттинчи миллий чемпионати медаллари учун даврасида қўқонлик «Судияна» клуби футболчилари 4:3 ҳисобида галабага эришдилар.

Ўзбекистон кубогини иккинчи мартадан қўлга киритган «Навоҳор» ва «Нефчи» футболчилари иккинчи босқичда бир хил натижа билан голиб чиқдилар. Наманганлик футболчилар Нукус шаҳрида «Орол» жамоасини, «Нефчи» футболчилари эса Фарғонада «Шахрихон» клубини 5:0 ҳисобида мағлуб этиб учратдилар. Тошкент вилоятининг «Дустлик» ва Хиванинг «Хива» жамоалари мусобақаси 3:0 ҳисобида «Дустлик» футболчилари фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, «Трактор», «Нефчи», «Навоҳор», «Судияна», «Дустлик», «Бухоро», «Насф» ва «Трактор» клублари Ўзбекистон кубогининг учинчи босқичига чиқди. Чорак финал ўйинлари 17 июни кун бўлади.

Донiyor ЮСУПОВ.

Хотира

ЖИГАРИСТОН ЁДИМДАДУР...

Ўз бошимизга бирор қулфат соя солмагунча лоқайд яшайверамиз. Хатто қўшини ҳовлида нималар бўлаётганини, атрофдагиларнинг қўнғини қандай ташвиш қулганган — бу билан ҳам ишимиз йўқ. Фалокатларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш энди бейфойдадек, орғиқли қўнғиллар оғи ўткинчидек туюлади. Шу сабаб энг дахшатли ҳодисаларга ҳам қўнқикан қўз билан қарашга одатланиб қолганмиз.

1991 йил 4 май. Ўзбекининг юртида Жигаристондек қўқна қишлоқ борлигини жаҳонга танитган дахшатли кун. 54 нафар жигарғушамиз қамқонли қўқилган айрилиқ тонги.

Бу фалокат содир бўлганга ҳам етти йилдан ошди. Уша муҳиш воқеадан бери Ангренда ҳар йили май ойида хотира маросимлари ўтказилади.

Шу кунлари машум фожиа қўрбонларини зиёрат қилиш мақсадида Жигаристондаги қабристонга келиб, марҳумларнинг руҳи-поқлари учун баъзилар ҳалло қон чиқазиб, ҳайри эхсон ҳам қиладилар.

Бу йилги ана шундай маъракаларда шахар ҳокими муовини А. Қўқонов, шахар «Қизил Яраймо» жамяити раиси А. Исмоилов, шахар ИИБ бошлиғи М. Мирроқулов ва бошқа қўлаб қорхона-ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этишиб, тўлроқ остида қолганлар руҳига тиловатлар қилишди, жабрдийда оилаларга Оллоҳдан сабр-бардош, соғлиқ-омонлик тиладилар.

Ғамхўр раҳбарларимиз бор экан, инсон қадри ҳамиша улуғланаверади, - деди Гулбўри Сотволдиева. - Уларнинг ташрифи қанча-қанча орғиқ қўнғилларга малҳам бўлди. Мен жабрдийда аёл сифатида уларга самимий миннатдорчилигимни изҳор эттикоман.

Жигаристон фожеаси сабаб мен отамдан, жигарғушаларимдан айрилдим. Онамлар ўтган йили очган хусусий дўконимизга фожеада Бевақт ҳаётдан қўз юмган қичик укам Абдушорқирнинг номини бердилар. Хусусий қорхоналар ташкил қилаётган айрим ҳамқишлоқларимиз ҳам шу фожеада ўтиб кетган яқинлари номларини абадилаштириш мақсадида шундай йўл тутташпти.

Г. Сотволдиеванинг таъкидлашича, баъзилар марҳумлар номини бирор жойга (қўча, қичиқ қорхона, дўконларга) қўйишнинг уларга нима нафи бор, деган фикрни билдиришди. Тўғри, уйда, қабристон зиёрати пайтида тиловат қилиб ҳам ўтганлар руҳини шод қилиш мумкин. Бирок, бирор жойга уларнинг номини қўйиб - бу, марҳумлардан қўра қўрқиб биз - тириклар учун керак.

...Уларнинг суратлари, исм-шарифларига қўзимиз тушганда тез-тез хотирлаб туршимиз учун.

...Оллоҳ берган қисқа ҳаётнинг ҳар лаҳзасини қадрламоғимиз учун.

Б. АБДУРАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

БАХШИЛАР БАҲСИ



Қарши шаҳрида «Алломиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган ёш бахшиларнинг республика танловиде мамлакатимизнинг етти вилояти ва Қорқалиғистон республикасиндан 40 дан ортиқ умидли бахшилар иштирок этишди. Танловда Қашқарда вилоятининг «Дехқонобод» туманидан келган бахши Абдумурод Раҳимов голиб чиқди.

Суратда: Танлов голиби бахши Абдумурод РАҲИМОВ. Ш. ШАРИПОВ (ЎЗА) олган сурат.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Иссиқ кўл атрофида истиқомат қилувчи 600 киши соғлиғидан шикоят қилиб дўхтирларга мурожаат қилишган. Шулардан 100 киши касалхонага ётқизилган. Ҳозир 36 ёшли бир аёлни заҳарланиш тўғрисида ўлганлиги айтилмоқда. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти Иссиқ кўл атрофида етиштирилган мена ва сабазотлардан эмасликка қарғирган.

Иккала Президентларнинг учрашувидан кейин эришилган битимга асосан Қирғизистондан ўз ватанлари - Тожикистонга қайли модда тушишининг сабабчиси бўлган Канаданинг «Комика» компаниясининг раҳбарлари билан учрашган. Хорижий компания суви тозалаш ишлариде қатнашиш ҳамда зарар қўрганларга томон тўлашга ваъда берган. Айни чоғда улар матбуот воситаларининг воқеаларини буртириб қўрсатаётганликларини билдирганлар.

Иккала Президентларнинг учрашувидан кейин эришилган битимга асосан Қирғизистондан ўз ватанлари - Тожикистонга қайли модда тушишининг сабабчиси бўлган Канаданинг «Комика» компаниясининг раҳбарлари билан учрашган. Хорижий компания суви тозалаш ишлариде қатнашиш ҳамда зарар қўрганларга томон тўлашга ваъда берган. Айни чоғда улар матбуот воситаларининг воқеаларини буртириб қўрсатаётганликларини билдирганлар.

Утган ҳафтада номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилган Тожикистонда Али боксер номи билан танилган (асли номи Али Пирмуҳаммад) муҳолифат бошлиқларидан бирининг қўқисини бўлган бу шахнинг 84 ёшли она-

си, хотини ва чақалоғи темир йўл яқинига ташлаб қўйилган.

Тожикистон ҳукумати қўқисини Афғонистон билан савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш мақсадида яна битта назорат-текширув пунктини очишга қарор қилган.

Тожикистон орқали бошқа давлатларга наркотик моддаларни олиб ўтиш ўтган йилдаги нисбатан ортан, ҳукуқ-тириббот органлари бу масалага оид миғдадан ортиқ жаний иш очтирган. Бу ишларга ҳаттинқизиларинг алоқадорлиги республика раҳбариятида ташвиш уйғотган.

«ПТС» ФИРМАСИ

ҚУЙДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
САУНАЛАР УЧУН МАХСУС ДАВОЛАШ ЭЛЕКТР УС-КУНАЛАРИ;
КИЧИК НОНВОЙХОНАЛАР (4 хилдаги: 160, 80, 32 ВА 8 БУХАНА НО ПИШИРИШ ҚУВАТИГА ЭГА);
ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР — ИСИТҚИЧЛАР;
ХАМИР ҚОРҒИЧЛАР;
ДУЛЛА ВА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ;
ДУСТИЛЛА ОРЛАР;
САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

ПЛАСТИК

Қўйлағи тиббий ускуналарини ҳамма қишлоқ хўжалиқ техникаси ва эҳтиёт қисмларини сотади:
• «Орва-Ретина» рентген плёнкаси: 30х40/100 л ҳажмиде флюора плёнкаси: 70х30, 5 ва 70х60 ҳажмли («Орва-Ретина», тасма) плёнкаси;
• УЗС Алкока-500-1100 аппаратлари 3,5 мкг датчиклари билан (Япония). Датчикларга алоҳида бюртма бериши мумкин.
• Қондаги қандни яқка тартибда аниқлагич (Жонсон-Жонсон) фирмаси махсулоти);
• Рентген ускуналари ва флюора аппаратлари:
• 15л 1,5л физсаж провайтеллари;
• 15л 1,5 тиккичлар;
• Бир ва 6-12 каналли электрокардиограмма (экг) термомоқозлар;
• «Олтой» тракторлари ва улар учун эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалиғи машиналари учун шиналар: ёқилги на-сослари;
• Карбид қалция -2580; Лемех П-702;
• Ҳақ тўлаш турлича. Қишлоқ хўжалиқ махсулотларига айирбошлаш ҳам мумкин.
• СН1 давлатларидан махсулотларини келтириб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фани Молловон қўчаси 52/2
тел: 34-27-58; 34-11-00,
факс: 23-47-83, пейджер (067) 4184

ИШОНЧ

БОШ МУҲАРРИР УРИНБОСАРИ:
ЧОРИ ЛАТИПОВ

БОШ МУҲАРРИР КАБУЛХОНАСИ-56-25-36
БОШ МУҲАРРИР УРИНБОСАРИ-56-52-89
МАСЪУЛ КЎБИ-56-52-78

КАСАБИ УЮМШАЛАРИ ВА ИСТИСНОИЕТ-56-82-79. АХБОРОТ ВА СПОРТ-56-87-63. МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ-56-82-79. ХЕЛЛАР, ОМАННИЙ ИШЛАР ВА МУҲОРАБА БИЛАН ИШЛАШ-56-85-43. ТИЖОРАТ ВА ХУҚУҚ-56-85-66.

ВИДИОТ МУХБИРЛАРИ:
ЖИЖАҚАДА-3-83-01, ҚИРҒИЗЛАР-6-24-10,
ҚАШҚАРДА-35-35-44, ҚАШҚАРДА-6-24-58-43,
УРҒИЧЛА-6-03-40, ҚАРИШЛА-5-33-71.

БОШ МУҲАРРИР КАБУЛХОНАСИ-56-25-36
БОШ МУҲАРРИР УРИНБОСАРИ-56-52-89
МАСЪУЛ КЎБИ-56-52-78

КАСАБИ УЮМШАЛАРИ ВА ИСТИСНОИЕТ-56-82-79. АХБОРОТ ВА СПОРТ-56-87-63. МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ-56-82-79. ХЕЛЛАР, ОМАННИЙ ИШЛАР ВА МУҲОРАБА БИЛАН ИШЛАШ-56-85-43. ТИЖОРАТ ВА ХУҚУҚ-56-85-66.

ВИДИОТ МУХБИРЛАРИ:
ЖИЖАҚАДА-3-83-01, ҚИРҒИЗЛАР-6-24-10,
ҚАШҚАРДА-35-35-44, ҚАШҚАРДА-6-24-58-43,
УРҒИЧЛА-6-03-40, ҚАРИШЛА-5-33-71.

Ғафела 1991 йил 21 мартдан ўчқа бошлаган. Сотувда эркин нархда.
Манзил: 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Привл Востока») қўчаси, 24-уй.
Нашр қўрсатиш: 133; 134

Ғафела 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўқитмаси томонидан ўчқамаги уюшмома берилган. IBM компьютериде терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ишонч» нашриде-матбуот нашридеги босма маънаси. Қорқона маънаси «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00